

Аллоҳнинг зикри



14:34 / 07.11.2025 1816

Аллоҳ таолонинг зикри ҳаловатли ва шундай осонки, инсон озгина эътибор ила уни ҳар доим адо қила олади. Бу ибодатнинг фазилат ва фойдалари беҳисобдир. Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг бир неча ўринларида Ўзини зикр қилишга буюрган. Аҳзоб сурасининг 41-оятида:

﴿كثيرا ذكرا لله اذكروا امنوا الذين يتأمنوا﴾

«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳни кўп зикр қилинглар», дейди.

Маълумки, Аллоҳ таолони зикр қилишдан У Зотга бирор фойда йўқ. Аллоҳ таоло бандаларнинг зикридан беҳожатдир. Лекин У Зотни зикр қилишнинг бандалар учун кўплаб фойдалари бор.

1. Кўп зикр қилиш ила банданинг Аллоҳ таолога қурбати зиёда бўлади.

2. Кўп зикр қилиш ила инсоннинг руҳи озуқа олади, ислоҳ бўлади ва қувватланади.

3. Инсонда ҳосил бўлган бу руҳий қувват ила инсон шайтонга қарши туриши ва гуноҳлардан тийилиши осон бўлади.

4 Аллоҳ таолонинг зикри ила номаи аъмолга яхшиликлар тинмай ёзилиб туради.

Бир саҳоба Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Аллоҳ таолонинг наздида энг афзал бўлган, қиёмат куни энг баланд даражага сабаб бўладиган ибодат қайси?» деб сўради.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таолони зикр қилиш», дедилар. («Жомеъул усул»).

Бир куни яна бир саҳоба Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Эй Аллоҳнинг Расули! Яхшиликларнинг тури жуда кўп. Мен уларнинг барчасини қилишга қурбим етмайди. Шунинг учун менга шундай бир иш айтинки, уни ёдимда сақлайин, лекин кўп нарса айтманг, чунки унутиб қўяман», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Тилингни Аллоҳ таолонинг зикри ила нам қил» (яъни Аллоҳ таолони кўп зикр қил), деб жавоб бердилар.

(Имом Термизий ривояти).

Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ зикри қилинадиган уй билан Аллоҳ зикри қилинмайдиган уйнинг мисоли тирик билан ўликнинг мисоли кабидир», дедилар. (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Яъни Аллоҳ таоло зикр қилинадиган уй тирик, зикр қилинмайдиган уй эса, ўликдир.

Зикрда ҳузур топмасликдан шикоят

Бир киши Таҳонавий раҳматуллоҳи алайҳга шундай деб ёзди: «Жуда кўп зикр, тиловатлар қиламан. Таҳажжуд ҳам давомий. Лекин ҳануз қалбда ҳузур пайдо бўлмади». Кўп одамларда, биз зикр, тиловат қиламиз, лекин бирор завқ, ҳузур-ҳаловат сезилмайди, деган шикоят бўлади. Чунончи,

бунинг натижасида одамлар, менинг амалим бекор ёки қандайдир бағритош ва бераҳмлигим сабабли ҳузур бўлмапти ёки Аллоҳ билади яна нима сабаблар бор экан, деб ўйлайди. Хуллас, ақлини хавотир эгаллайди ва баъзан маъюсликкача етиб боради.

«Насиҳатлар гулдастаси» китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 4 апрелдаги 02-07/2234-рақамли ва 2023 йил 23 мартдаги 03-07/1912-рақамли хулосалари асосида тайёрланди.